

“UZCE QUIZ” ВИКТОРИНАСИ ҚОИДАЛАРИ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Қоидалар “UZCE quiz” викторинаси (кейинги ўринларда — “Викторина”)ни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

1.2 Викторина ташкилотчиси “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ (кейинги ўринларда “ЎзРВБ” ёки “Ташкилотчи”деб юритилади) ҳисобланади.

1.3 Викторина Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2024 йил 1-10 апрель кунлари ўтказилади.

1.4. Викторина кенг аудиторияни молия соҳасининг асосий тушунчалари ва принциплари билан таништириш, аҳолининг молиявий саводхонлигини ҳамда ЎзРВБ фаолияти тўғрисида хабардорлигини ошириш, шунингдек, молиявий таълимнинг аҳамиятига ёшлар эътиборини жалб қилиш мақсадида ўтказилади.

1.5 Викторинада ҳақиқий иштирок этиш ихтиёрий ва иштирокчилар Ташкилотчининг www.uzrvb.uz веб-сайтида (кейинги ўринларда “Сайт” деб аталади) жойлаштирилган ушбу Қоидаларда белгиланган талабларга тўлиқ риоя этишга розилигини билдиради. Қоидалар Ташкилотчи томонидан Викторинанинг барча потенциал иштирокчиларига қаратилган оммавий оферта ҳисобланади.

1.6. Викторина махсус платформада ўтказилади.

2. ВИКТОРИНА ИШТИРОКЧИЛАРИ

2.1. Викторина иштирокчиси сифатида 18 (ўн саккиз) ёшга тўлган муомалага лаёқатли ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи жисмоний шахс тан олинади.

Викторинада қуйидагиларнинг қатнашиши тақиқланади: муомалага лаёқатсиз, вояга етмаган шахслар, ЎзРВБ ходимлари (шу жумладан фуқаровий ҳуқуқий шартномаси бўйича ишлаётган) ва уларнинг яқин қариндошлари (шу жумладан турмуш ўртоғи, фарзандлари, ота-оналари ва

бошқалар), шунингдек Викторинани ташкил этишга жалб қилинган юридик ва жисмоний шахслар.

2.2. Иштирокчи Викторинада қатнашиш билан боғлиқ ҳуқуқларини учинчи шахсга (шахсларга) беришга ва/ёки бошқача усулларда воз кечишга ҳақли эмас.

2.3. Викторина ўтказилиши ва викторина билан боғлиқ маълумотларни эълон қилиш мақсадида иштирокчи викторинада қатнашган ёки ғалаба қозонган тақдирда, унинг шахсий маълумотлари (тўлиқ исми-шарифи), Викторинадаги иштироки билан боғлиқ фотосуратлар, видеотасвирлар ва интервьюлар Ташкилотчи томонидан қуйидагича жойлаштирилишига тўғридан-тўғри сўзсиз рози эканлигини аниқлатади:

2.3.1. Ташкилотчининг расмий веб-сайтида ҳамда <https://www.facebook.com/uzceinfo>, <https://www.instagram.com/uzceinfo/>, <https://twitter.com/uzceinfo> ижтимоий тармоқларида, <https://t.me/uzceinfo> Телеграм каналида ва <https://www.youtube.com/@uzcechannel> видеохостингида жойлаштирилади;

2.3.2. ОАВда (босма нашрлар, интернет-сайтлар, ижтимоий тармоқлар) нашр этилади.

Бундан ташқари, иштирокчи Ташкилотчининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида жойлаштирилган Қоидаларни тўлиқ ва шартсиз қабул қилишини, шунингдек иштирокчининг махсус платформада рўйхатдан ўтиш пайтида тақдим этилган шахсий маълумотларини қуйидаги мақсадлар учун фойдаланишига розилик билдиради:

Ташкилотчи томонидан ўтказиладиган реклама, маркетинг ва бошқа дастурларда (ўйинлар) қатнашишга;

аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган тадқиқотларни ўтказишга;

маркетинг ва/ёки статистик, шунингдек бошқа тадқиқотларни ўтказишга;

Ташкилотчи ва учинчи шахсларнинг қўшма хизматлари, маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида

келтирилган “реклама” тушунчаси доирасидаги маълумотларни иштирокчига тўғридан-тўғри алоқа ўрнатган ҳолда турли алоқа воситалари, жумладан (чекловсиз) почта жўнатиш, иштирокчининг электрон почта (e-mail) манзилига юбориш, мобиль телефонига (СМС орқали) хабар юбориш, push-билдиришномаларни юбориш орқали хабардор қилишга;

Ташкилотчи томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида назарда тутилган мажбуриятларни бажаришга.

2.4. Викторина Ғолиби деб тан олинган иштирокчи Ташкилотчининг сўровига асосан қўшимча ҳақ талаб этмаган ҳолда интервью, фото ва видеосъёмкада қатнашиши, шунингдек, Ташкилотчига Викторина давомида интернет тармоқлари орқали эълон ва мақолаларда Викторина ҳақида реклама маълумотларини тарқатишда ушбу материаллардан фойдаланиш ҳуқуқини беғараз тақдим этиши лозим.

2.5. Ташкилотчи Викторина иштирокчисини ушбу Қоидаларда белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш ҳуқуқига эга.

2.6. Иштирокчи Викторинада фақат бир марта қатнашиши мумкин.

2.7. Викторина иштирокчиси ўз иштирокини муддатидан олдин тугатиш ҳуқуқига эга.

3. ВИКТОРИНАДА ҚАТНАШИШ ШАРТЛАРИ

3.1. Викторинада қатнашиш учун иштирокчи:

- рўйхатдан ўтиш шаклини тўлиқ тўлдириб, платформада рўйхатдан ўтиши;

- Викторинанинг ҳар бир босқичи вазифаларини бажариши лозим.

4. ВИКТОРИНА БОСҚИЧЛАРИ

4.1. Викторина уч босқичдан иборат:

Биринчи босқич: “Ёпиқ саволлар” — тегишли жавоб вариантлари билан 15 та савол. Ҳар бир жавоб учун 30 сония вақт ажратилади. Ҳар бир тўғри жавоб учун 2 балл берилади.

Иккинчи босқич: “Очиқ саволлар” — тўлиқ жавоблари тегишли майдончаларга киритилиши керак бўлган 10 та савол. Ҳар бир жавоб учун 50 сония вақт ажратилади. Ҳар бир тўғри жавоб учун 4 балл берилади.

Учинчи босқич: “Вазиятли масалалар” — молиявий саводхонлик мавзусида 5 та вазифа. Ҳар бир жавоб учун 2 дақиқа вақт ажратилади. Ҳар бир тўғри жавоб учун 6 балл берилади.

4.2. Викторинанинг ҳар бир босқичида платформада бажарилиши керак бўлган янги вазифалар очилади. Тегишли босқич тугаши билан вазифалар ёпилади.

4.2.1. Ҳар бир босқичдаги вазифалар 5-15 та саволлардан иборат. Ҳар бир босқичнинг вазифалари биринчи уринишда белгиланган вақт ичида бажарилиши лозим.

4.2.2. Викторинанинг барча вазифалари бевосита ёки билвосита молия, инвестициялар, молиявий воситалар, биржа соҳаси ва ЎзРВБ фаолияти билан боғлиқдир.

5. МУКОФОТ ЖАМҒАРМАСИ

5.1. Викторинанинг мукофот жамғармаси Ташкилотчи томонидан шакллантирилади ва Викторина ғолибларига совғалар тақдим этиш мақсадида тақсимланади. Мукофот жамғармаси қуйидаги совринлардан иборат:

1-ўрин — Ноутбук ва Викторинада қатнашганлиги тўғрисидаги сертификат;

2-ўрин — Планшет ва Викторинада қатнашганлиги тўғрисидаги сертификат;

3-ўрин — “Ақлли” колонка ва Викторинада қатнашганлиги тўғрисидаги сертификат.

5.2. Рағбатлантирувчи совринлар 5 та брендланган тўпламдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирига қуйидагилар киради:

- кружка;

- стикерпак;
- калькулятор;
- пружинали А5 блокнот;
- ручка;
- пакет.

6. МУКОФОТЛАШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТИ

6.1. Ғолиблар 2024 йил 12 апрель куни эълон қилинади ва шу куни уларга бу тўғрисида хабар берилади.

Ташкилотчи Ғолибларнинг исмларини веб-сайтда, шунингдек, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларда эълон қилади ва уларга тегишли хабар юборади.

6.2. Викторинада энг кўп балл тўплаган 3 иштирокчи Ғолиб деб топилади.

6.3. Агар Викторина иштирокчиси рўйхатдан ўтиш жараёнида ўзи тўғрисида нотўғри маълумотларни киритган бўлса, Ташкилотчи Викторинада ғалаба қозонган иштирокчига хабар бермаганлиги учун жавобгар эмас.

6.4. Қуйидаги ҳолатларда Ташкилотчи Ғолибни танлаш бўйича Викторина натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бошқа Ғолибни эълон қилиш ҳуқуқига эга:

- Викторина иштирокчиси ўзи ҳақида маълумотларини тақдим этмаган ёки нотўғри маълумот тақдим этган бўлса;

- Викторина Ғолиби совриндан воз кечса.

6.5. Ғолиб ва Совриндорларни мукофотлаш маросими 2024 йил 15 апрель куни ЎзРВБ биносида ўтказилади.

6.6. Викторина Ғолибларининг исм-шарифлари рўйхатдан ўтишда кўрсатилган маълумотларга мос келиши керак.

6.7. Викторина ғолиблари тақдирлаш маросимида шахсан иштирок эта олмаган тақдирда, Ташкилотчи совринни ўз ҳисобидан етказиб бериши мумкин.

7. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

7.1. Ташкилотчи ушбу қоидаларга ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

7.2. Ташкилотчи техник носозликлар, шу жумладан электрон хабарларнинг кечикиши, шунингдек Викторина иштирокчиларига алоқа хизматларини кўрсатувчи интернет ва мобиль провайдерларининг айби билан юзага келган бошқа техник носозликлари учун жавобгар эмас.

7.3. Ташкилотчи Ғолиб бўлмаган Викторина иштирокчиларини мукофотлаш учун қўшимча мукофот жамғармасини ташкил этиш ҳуқуқига эга.

7.4. Муайян ҳолатлардан келиб чиқиб, Ташкилотчи Викторина иштирокчилари ўртасида Ғолиб деб топилиши мумкин бўлган шахсларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

7.5. Ушбу Қоидалар Ташкилотчининг веб-сайтида эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.